XALQ DEPUTATLARI ELLIKQAL'A TUMANI KENGASHI QARORI

XALÍQ DEPUTATLARÍ ELLIKQALA RAYONLÍQ KEŃESINIŃ SHESHIMI

2021 - yil 30 - dekabr VI-34-79-13-194-K/21 Ellikqal'a tuman hokimligi

2022 йилда Элликқалъа тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Элликқалъа тумани салиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Н.Абаевнинг ахборотини тинглаб муҳокама қилиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофик Ҳалқ депутатлари Элликқалъа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгашининг 2021 йил 21 декабрдаги VI-34-72-13-194-К/21-сонли қарори Элликқалъа тумани Адлия бўлимининг 2021 йил 22 декабрь кунги 1-4/1-1-7/55-сонли "Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида" ги тақдимномасига асосан бекор қилинсин.

2. Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохатларини амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 17.12.2021 йилдаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-сонли Фармонига мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар

кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

- туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида:

- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ ўлчамда 30,8 млн. сўм;

-жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан дехкон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) Қорақалпоғистон Республикасида базавий солиқ ставкаси 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда 286,0 сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул килинсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида:

ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юкини келгуси йилда кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Солиқ кодексида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан жисмоний шахслар учун 1-иловага, юридик шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

Халқ депутатлари туман Кенгаши мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида белгиланган солиқ ставкасига нисбатан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқига эга эканлиги;

бунда, кейинги йил учун белгиланган маҳаллий бюджет прогнози доирасидан келиб чиққан ҳолда оширувчи ёки камайтирувчи коэффициент қўллаш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида фақатгина оширувчи коэффициентларни қўлламаслик белгилаб қўйилсин.

6. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Н.Абаевгага Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан белгиланган солиқ ставкалари бўйича ер солиғи тўловчиларига ўз вақтида огоҳлантириш ва ундирилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

7.Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Б.К.Алимов)га туманда юридик ва жисмоний шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига солиқ ставкаларининг тўғри қўлланилиши бўйича назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Б.К.Алимов ва туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Н.Абаевлар зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ва унинг бажарилишини доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб бориш вазифаси Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохатларини амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Алимов зиммасига юклансин.

9. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Т.Нуримовага мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси юклансин.

10. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Kengash raisi **Avezov S. S.**

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-34-79-13-194-К/21-сон қарорига
1-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда **1 кв.метр** учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлари

сўмда

№	Ҳудудлар номи	Коэффицент (0,7дан1,3гача)	2022-йилучун ер солиғиставкаси (сўмда)
1.	А.Навоий МФЙ	1,0	286,0
2.	Абай МФЙ	1,0	286,0
3.	Ақчакўл ОФЙ	1,0	286,0
4.	Амиробод ОФЙ	1,0	286,0
5.	Аёзқалъа МФЙ	0,7	200,2
6.	Бўстон МФЙ	1,0	286,0
7.	Гулдурсин ОФЙ	1,0	286,0
8.	Гулистон ОФЙ	0,7	200,2
9.	Думанқалъа МФЙ	0,7	200,2
10.	Дўстлик ОФЙ	1,0	286,0
11.	Жасорат МФЙ	1,0	286,0
12.	Ибн Сино МФЙ	1,0	286,0
13.	Иқбол МФЙ	1,0	286,0
14.	Истиқлол МФЙ	1,0	286,0
15.	Ифтихор МФЙ	1,0	286,0
16.	Ихлос МФЙ	1,0	286,0
17.	Кичик Гулдурсин МФЙ	1,0	286,0
18.	Коинот МФЙ	1,0	286,0
19.	Қаватқалъа МФЙ	1,0	286,0
20.	Қошқўра МФЙ	1,0	286,0
21.	Қизилқум МФЙ	0,7	200,2
22.	Қилчиноқ ОФЙ	1,0	286,0
23.	Қирққизобод ОФЙ	1,0	286,0
24.	Навбаҳор МФЙ	1,0	286,0
25.	Навоий ОФЙ	1,0	286,0
26.	Оқ олтин МФЙ	1,0	286,0
27.	Пахтачи МФЙ	1,0	286,0

28.	Сарабий ОФЙ	1,0	286,0
29.	Сахтиён ШФЙ	1,0	286,0
30.	Янги Ўзбекистон МФЙ	1,0	286,0
31.	Тошкент МФЙ	1,0	286,0
32.	Тозабоғ ОФЙ	1,0	286,0
33.	Тупроққалъа МФЙ	0,7	200,2
34.	Чайка МФЙ	0,7	200,2
35.	Чукурқоқ МФЙ	0,7	200,2
36.	Чўпон МФЙ	1,0	286,0
37.	Элликқалъа ОФЙ	1,0	286,0

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-34-79-13-194-К/21-сон қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда **1-гектар** учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлари

Миг сўмда

№	Худудлар номи	Коэффицент (0,7 дан 1,3 гача)	2022-йил учун ер солиғи ставкаси (минг сўмда)
1.	А.Навоий МФЙ	1,0	30 800
2.	Абай МФЙ	1,0	30 800
3.	Ақчакўл ОФЙ	1,0	30 800
4.	Амиробод ОФЙ	1,0	30 800
5.	Аёзқалъа МФЙ	0,7	21 560
6.	Бўстон МФЙ	1,0	30 800
7.	Гулдурсин ОФЙ	1,0	30 800
8.	Гулистон ОФЙ	0,7	21 560
9.	Думанқалъа МФЙ	0,7	21 560
10.	Дўстлик ОФЙ	1,0	30 800
11.	Жасорат МФЙ	1,0	30 800
12.	Ибн Сино МФЙ	1,0	30 800
13.	Иқбол МФЙ	1,0	30 800
14.	Истиқлол МФЙ	1,0	30 800
15.	Ифтихор МФЙ	1,0	30 800
16.	Ихлос МФЙ	1,0	30 800
17.	Кичик Гулдурсин МФЙ	1,0	30 800
18.	Коинот МФЙ	1,0	30 800
19.	Қаватқалъа МФЙ	1,0	30 800
20.	Қошқўра МФЙ	1,0	30 800
21.	Қизилқум МФЙ	0,7	21 560
22.	Қилчиноқ ОФЙ	1,0	30 800
23.	Қирққизобод ОФЙ	1,0	30 800
24.	Навбаҳор МФЙ	1,0	30 800
25.	Навоий ОФЙ	1,0	30 800
26.	Оқ олтин МФЙ	1,0	30 800
27.	Пахтачи МФЙ	1,0	30 800
28.	Сарабий ОФЙ	1,0	30 800
29.	Сахтиён ШФЙ	1,0	30 800

30.	Янги Ўзбекистон МФЙ	1,0	30 800
31.	Тошкент МФЙ	1,0	30 800
32.	Тозабоғ ОФЙ	1,0	30 800
33.	Тупроққалъа МФЙ	0,7	21 560
34.	Чайка МФЙ	0,7	21 560
35.	Чуқурқоқ МФЙ	0,7	21 560
36.	Чўпон МФЙ	1,0	30 800
37.	Элликқалъа ОФЙ	1,0	30 800